



GAZETA 1991 йил 21 мартдан ЧИҚА БОШЛАГАН

# ЎШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 24 сентябр, жума № 154 (1787)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовга Корей Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мун Хён-ёнг 23 сентябр куни Оксаройда ишонч ёрлигини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Жанубий Корейяни узининг ишончли шерикларидан деб билишини ва ўзаро ҳамкорлиқни кадрлашини таъкидлади. Элчига юртимизда бошланган миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Корей Республикаси элчиси самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-гайратини аямаслигини қайд этди.

Шу кунни Президент Ислом Каримов Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ханс-Йоахим Кидерлендан ҳам ишонч ёрлигини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Президент Ислом Каримов алоқалар қўламини янада

кенгайтириш учун икки томонда ҳам имкониятлар кўп эканлигини таъкидлади. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан мамлакатларимиз бирдек манфаатдор.

Германия элчиси самимий қабул учун миннатдорлик изхор этди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда иқтисодий ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги алоқалар янада долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Ўзбекистондаги фаолият давомида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратишини қайд этди.

(ЎЗА)

## САРИОСИЁ ПАХТАКОРЛАРИ МАРРАДА

Сариосиё тумани пахтакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажарди.

Қабул пунктларига 17 минг тонна хомашё топширилди. Уртача ҳосилдорлик ўттиз центнерни ташкил этди.

Бобур номидаги, «Сариосиё», «Дашнобод» каби ширкат ҳужаликлари бу улкан хирмонга, айниқса, салмоқли улуш қўшди.

Туманда пахта йғимтерими давом этмоқда. (ЎЗА)



## Фахр ВАТАН СЎЗИ НАҚАДАР АЗИЗ

Бундан олтимиш йилча муқаддам сарҳадсиз Кизилқумнинг кичик овулида мўъжазгина мактаб очилган эди. Уша пайтлар мактабда чўпон-чўликларнинг йиғирма нафардан ортиқ фарзандлари сабоқ олишарди. Бугунги кунда мазкур илм масканида икки юз эллик нафардан зиёд ўғил-қиз таълим олмақда.

Мазкур мактаб Конимех туманидаги «Сарибел» наслчилик ширкат ҳужалигидида жойлашган. Янги Фозгон қишлоғига қариб бор эканмиз, бенхтиёр шудок катта йўл ёқасида жойлашган ҳўжалик идорасига йўлни бурдик. Жиддий, каттиққўл кўринган ҳўжалик раҳбари Ўрмонбой Кушенов эл манфати учун қўйиб-ёнадиған инсонлардан.

Отам чўпон бўлган, дейди у. — Ундан меҳнаткашлиқни, Ватанин севिशини ва унинг кадрига этишини ўргандим. Нимагаки эришган бўлсам, ҳаммаси билим ва меҳнатим самараси. Эҳтимол, шундан илми кишилари, кишилари га маърифат улашаётган захматкаш инсонлар меҳнатини эъозлағим, уларга таъзим этгим келади. Айниқса, устоз-ўқитувчиларга хурматим баланд.

Бу йил 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури доирасида худуддаги 5- ва 41-мактаблар қайта реконструкция қилинди. Унга ҳўжалик ҳисобидан 45 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, Янги Фозгондаги шифо маскани ва кутубхонанинг тўлиқ таъмирлангани чўликларни гоят шод этди. Овулдаги эски ташландиқ бинонинг мактабга тарбия муассасасига айлантирилиши амалга ошириладиган хайрли ишларнинг давоми бўлди. Ўрмонбой ака ҳаморлиғида мустақиллигимизнинг 13 йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топширилган ишоотларни қўздан кечирдик. Кишлоқ кўрқига-кўрқ кишиб қад ростилаган мактаб биносини кўрган кишининг кўзи қувонади.

Кенг ва ёруғ синфоналар, кутубхона ва спорт майдонларини айтаётимизми? — Утган ўқув йилида ҳўжалик ўқувчиларимизга бир миллион сўмлик даролик ва ўқув қўлланмалари

ҳадя этган бўлса, бу йил спорт анжомлари соғва қилди, — дейди мактаб директори Ибобул Наризова. — Мактабимизнинг ўн нафар илгор ўқувчиси махсус стипендия жорий этилган. Бу ёшларимизда илм олишга бўлган қизиқиш ва интилишининг янада ортишига хизмат қилаётди.

Албатта, бундай саховатнинг ортида ҳўжалиқнинг қорвачилик соҳасида эришадиган муваффақиятлари турбиди. Наслдорлик яшиланиши натижасида утган йили уч миңг дона сифатли қорақўл тери экспорт қилинди, еттиш беш тонна жун хорижага сотилди. Айни кунларда 125 отарда 95 миңга яқин қўқизи парваришланмоқда. Шундан 45 миңга яқини совлик. Бу йил ҳар юз бош қўйдан 118 тадан қўзи олинб, уларнинг 87 фоизи ўстиришга қолдирилди.

Энг аҳамиятлиси, ҳўжаликда бу йил «Сарибел-Диамет» Россия-Ўзбекистон қўшма қорхонаси иш бошлади. Унда қорақўл қайта ишланиб, тайёр махсуслот ҳолига келтирилди. Овулда фаолият бошлаган «Ушбос» кичик қорхонасида ҳам иш қизғин. Эчки, от, туя ҳамда қўй терилари турдан болалар ва катталар учун турли сўк кийимлари, эркек ва айлар куртқалари тайёрланмоқда.

Ҳўжалик раҳбарининг таъкидлашича, олтимиш миллион сўмлик замонавий спорт саройи куриш учун лойиҳалаш ишлари низоҳисига өтган. Чорвада янада самарадорликни ошириш учун Самарқандга ҳў Республика қоракўлилик ва чўл экологияси институтини олимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Хуллас, бепоён чўл бағрида гуллаб-яшнаган бу маскан кишилариинг руҳи тетик, келажақдан умидлари катта. Зеро, бундай ишонч инсонни бахтли ҳадёт сари элтади.

Х.САЛИМОВ

Бугунги кунда аҳолига маиший хизмат кўрсатишини ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллариининг хизмати катта бўляпти. Хусусан, Чилонзор буюм бозори худудда жойлашган тикувчилик цехида оилавий ишчи-хондилар фаолият юритмоқда. Қўли гул қилар хизматидан миждолар мамнун.

Суратларда: Наима Махаммадиева шоғирдлари билан, Фулом ХИДИРОВ олган суратлар

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида сиёсий партиялар вакиллари парламент сайловида сиёсий партияларнинг иштирокини қўллаб-қувватлайдиган сайловчилар имзосини тўплаш учун белгиланган намунадарга имзо варақалари берилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов турқисидидаги Қонуннинг 20-моддасига биноан белгиланган намунадарга имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилди.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш хуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан ка-

мида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиш мумкин.

5. Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ушбу партияларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун партия иштирокини қўллаб-қувватловчи камда эллик миң сайловчилар имзосини тўплаши керак. Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қоракалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик миң сайловчиларини кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши

мумкин.

Имзо варақалари топширилганидан сўнг улар турғи тулдирилганини текшириш Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил қилинади. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш хуқуқини рад этиш турғисидида қарор қабул қилади. Сиёсий партиялар парламент сайловида қатнашиш учун Марказий сайлов комиссиясига 17 октябрга қадар барча зарур ҳужжатларни, шу жумладан имзо варақаларини тақдим қилишлари керак.

(ЎЗА)

## Жиззах томонларда

### УЧТА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Жорий йилнинг ўтган ойларида Жиззах туманида учта қишлоқ врачлик пункти куриб, ишига туширилди.

Айни чоғда Ардоқшон қишлоқ врачлик пункти «Равот» агрохизмат маркази меҳнат аҳлига тиббий хизмат кўрсатишда. Тоқчилик қишлоқ табобатхонасида эса реконструкция ишлари олиб борилди. Шунингдек, Шароф Рашидов номили ҳўжалик идораси туман ҳокимлигининг қарори билан ҚВРга айлантирилди. Барча тиббий масканлар замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

### ЭНГ ЯХШИ СОВГА

Фориз туманида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи реконструкция қилинган замонавий бинога эга бўлди.

«Бирлашган» қишлоқ болалари янги ўқув йилини янги мактабда бошлади. Шунингдек, туман давлат соғиқ инспекциясининг маъмурий биноси қад ростилади. Эгизбулоқ қишлоғига табиий газ келтирилди. Ана шундай қўлайликлардан туман аҳолиси беҳад мамнун бўлишмоқда.

### 14 Ёшли РАССОМ

### ТАНЛОВ ФОЛИБИ

Жиззах шаҳрида «Сайёра тинчлиги» — юрт бойлиги-маъзунидаги ёш рассомлар вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Туманлар босқичи гóлиблари мусобақа катнашчилари бўлдилар.

Еш мўйқалам сохибларининг вилоят танловида Янгибод туманидаги Ҳамид Олимжон номли 3-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Зиёдулла Отақўзиёвнинг чизган расмлари хайбат аъзолари назарига тушди. У ушбу танловнинг гóлиби сифатида республика босқичига йўллангани қўлга киритди.

Н.БЎРИЕВ

Ҳайтада узок ва давомли йўл босишни истаган киши ортга бир куp назар ташлаши. Утган даврни тахлил этиши лозим. Бу тамойил касаба уюшмалари фаоллари фаолиятга тобора чуқурроқ сингдирилмоқда. Бугун кечяқидан, ортага эса бундан кўра самаралироқ ишларга интилмаган етакчи ишончини оқлаши қийин.

«Сирдарётелеком» акциядорлик жамияти жамоаси бундан беш йил илгари Валентина Кан номидидага катта ишонч билдирганиди. Аммо касабаси уюшмаси бошланғич ташкилотини бошқариб билимдон, соҳада катта тажриба тўплаган айёлга осон бўлмади. Муҳандислигу устачиликни ўрнига қўя оладиган В.Канга касаба уюшмаси бошқаришда анча тер тўкишига тўғри келди. Унинг фаолият қамрови кенг, юнгалтилган вазифа гоятда масъулиятли эди. Бу мулоҳазалар етакчининг ҳисобот-сайлов йиғилишидаги дил изхорлари. Унинг эътирофи эътиҳаси касабаси уюшмага келиб ўз билими, ҳадёт тажрибаси ана камлигини пайкаган. Касаба уюшмаси унинг иродасини тоблади. Узағлар ташвиши, гами билан яшашини ўргатди.

Ҳисобот даврида бошланғич ташкилот жамоада ўз

обрўсини топди. Маъмурийат билан яқдиллик, алоқачилар ижтимоий мухофазасини кучайтиришдаги қатор имтиёз-

## ИНСОН БОРКИ БАХТГА ИНТИЛАДИ

ларда етакчининг ҳам муносиб улуши бор. Айниқса, соҳа айёлари ижтимоий ҳимояси, оиласи, саломатлигини мухофазалаш борасида қатор имтиёзлар жорий этилди. Кам таъминланган оилалар, соҳада узок ишлаган ҳодимлар муайян кафолатлар олди. Касаба уюшмаси ташаббуси, маъмурий хайрихолиғи боис соҳада ишланган ҳодим даволаш учун ўртача ойлик маошининг 4 баробари миқдориди, фарзандларини эса ўқув дарсликлари билан таъминлашдек яхши аънавалар қарор топди. Ҳомиладор аёл-

## Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан кейинги ўйлар

Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар андишонликларда ҳам катта масъулият ҳиссини-уйғотди. Зеро, бугун мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ишхотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, бир сўз билан айтганда миллат ва Ватан келажағига барчамиз бирдек масъулимиз.

## ОБРЎ МИСҚОЛЛАБ ЙИГИЛАДИ

Кейинги пайларда Андижонда бирмунча ижобий ишлар кўзга ташланапти. Айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ижобий ўзгаришлар юз берапти. Ислохот йўлидаги тўсиқлар олиб ташланиб, фермерлик, тадбиркорлик ҳаракати га тўғанок бўлиш, таъмағирлик, давлат маблағларини ўзлаштириш, талон-торож каби салбий ҳолатларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Масалан, яқин-яқинда Андижон шаҳри кўчаларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган хусусий автотранспорт воситалари кўпайган эди. Троллейбус паркиннинг иқтисодий жиҳатдан ишқироғга урагани, боз устига йўналишлардаги автобус қатновининг кўнгилдағидек эмаслиғи айрим хусусий транспорт эгалари — учар ҳайдовчилар учун қўл келганди. Шаҳарликлар бу ҳолатдан норози бўлиб, вилоят ва шаҳар ҳокимликларидида мутасаддиларга бир неча бор мурожаат этишган бўлишлари га қарамай, масала илжобий ҳал этилмаган. Чунки 150-200 сўмдан йўлқира ҳақи ҳисобига бекатлардан бекатларга учаетган «Дамас» ва «Тико»-ларнинг асл эгалари баъзи ҳолларда амалдорлар эди... Ҳатто, Андижон шаҳар кенгаши депутати Носиржон Саидкамолоннинг солиқ инспекциясига қилган мурожаати ҳам жавобсиз қолди...

Хайриятки, Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан кейин ишлар изига туша бошлади. Амалдаги вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳарда «Отойўл» русумидида 50 та янги автобус қатнови йўлга қўйилди. Йўлқира ҳақи 50 сўм қилиб белгиланди. Бу янгиликдан шаҳарликларнинг боши осмонга өтди. Сабаби йўл ҳақининг арзонлашгани боис тежалган маблағ оила бюджети учун асқотаяпти. Шунингдек, «Андижон-Пойтуғ» йўналишини бўйича ҳам ана шундай қатнов йўлга қўйилиб, илгари 300 сўм бўлган йўлқира ҳақи икки баробарга арзонлаштирилди. Айни пайтда бошқа туман йўналишлари га ҳам янги автобусларни чиқариш режалаштирилган. Энг муҳими, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида том маънодаги рақобат юзага келди.

Мустақиллик байрами арафасида вилоят ҳокимлиги яна бир савобли ишга қўл урди. 14 та туман ва 5 та шаҳар ҳокимиятларида «Муруват гуруҳлари» фаолият юрита бошлади. Гуруҳ аъзолари яқинлашган нуронийлар, ноғиронлар ҳузуриди га ҳамда кам таъминланган оилаларда бўлиб, муруват ёрдами ни кўрсатишапти. Ҳозиргача салкам 300 та ноғиронлик аравачаси, 11 миллион сўмлик ортопедия, эшитиш мосламалари тарқатилди.

Президентимиз таъкидлаганлиридек, раҳбар бўлиш, бирон-бир мутасадди вазосида фаолият юритиш кишидан қатыялди, талабчанлик, эл-юрт ташвиши билан яшашни, қолаверса, таъма-ю фарздан ийроқ бўлишни талаб өтди. Акс ҳолда, бундай раҳбар эл-юрт ичра обрў-эътиборини йўқотди, уятга қолади. Минг афсуски, айрим раҳбар ҳодимлар фаолиятида фуқаролар муаммолари га бепарқ қараш, тадбиркорлар ҳақ-хуқуқларини чеклаш, энг ёмони жамият манфаатидан ўз шахсий манфаатини устун қўйишдек иллатлар юзага чиқаяпти.

Асакалик ишбилармон Журавой Сотводиев «Қашқар» маҳалласидаги ташландиқ жойда ишнам ошхона ва чойхона куриди. Қанча куч, маблағ сарфлаб газ, тоза ичимлик суви кувури тортиб келди. Шу йилнинг январидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, иш юрита бошлади. Маҳалладошлар бундай маиший қўлайликдан хурсанд бўлишди. Аммо туман ҳокимиятидаги мутасадди раҳбар неғадир янгилик илхосманди йўлига гов бўлди. Оқибатда тадбиркор фаолияти июн ойигача тўхтаб қолди. Ниҳоят, вилоят савдо-саноат палатаси вакиллари аралашуви билан мулкдорнинг ҳақ-хуқуқи тикланди.

Маҳаллий ҳокимият органлари ҳақидаги қонун ҳужжатларида жойлардаги шаҳар, туман ҳокимликлари тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга бевосита масъул ва жавобгар эканликлари айтилган. Саввол туғилди: ҳўш, ҳоким ўринбосари нега қонунга хилоф равишда иш тутди, адолатсизлик қилди. Коса тағдида нимқоса бор деғанларидек, бундай ноқонуний хатти-ҳаракат ортида таъма ётмаганмикин?

Халқ манфаати йўлида амалга оширилган ишлар, савобли амаллар фуқароларимизнинг эртани кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Она Ўзбекистониимиз келажақи учун фидокорона меҳнат қилишга ундайди. Қонундан четга чиқиб, айниқса раҳбар ҳодимларнинг ноҳози хатти-ҳаракатлари адолатсизлиқнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бу ҳақда Наманган вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидида билдирилган фикр-мулоҳазалар тегишли хулосалар чиқаришга ундайди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

## Касаба уюшмалари бозор шароитида

ларга қисқартирилган иш солатлари бериш, муддатидан илгари пул тўланадиган таътилга кузатиш амалий тус олди. Энг кам маош миқдори 50 миң сўм даражасига қўтаришди.

«Биз собиқ етакчидан миннатдоримиз. У жамoa учун жуда кўп иш қилди. Ҳар би киши қалбидан чуқур жой топди, — дейди алоқачи Бутанбой Ваисов. — Аммо бошланғич ташкилот етакчиси кўпроқ илзанилот лозими. Лаизза Валентинадан кура ёш, истеъдодли. У хали кўп иш қилиши мумкин.

Ҳисобот йиғилиши барчани қаноатлантирди, десак муболага эмас. Энг муҳими, ҳеч кимнинг дарди ичида қолмади. Илк дақиқалардан сўнгги лаҳзагача ўшқин қайфият, манфаатдорлик ҳисси яққол намоян бўлиб турди. Бу алоқа ҳодимларининг касабаси уюшмага суянishi, таянишдан далолат эди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири



ШАХСИЙ КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Анатолий Жибодовнинг шахсий кўргазмаси очилди.

Кўлаб республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси бўлган А.Жибодов асарлари АКШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия ва бошқа мамлакатлар галерейларидан ўрин олган.

такли безакчи рассоми сифатида ҳам танилган. Бу саҳна асарларининг кўпи ўзбек драматургиясининг хазинасига кирган.

Мазкур кўргазма рассомнинг ўттиз йиллик ижодий йўлини қамраб олади. Унда ижодкорнинг юздан ортиқ асари намойиш этилмоқда.

СОЛИҚЧИЛАР КҮЧ СИНАШДИ

Самарқанд шаҳрида Давлат солиқ қўмитаси идоралари ходимлари ўртасида волейбол бўйича Республика чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Самарқанд жамоаси волейболчилари сурхондарёлик рақибларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, беш совринни қўлга киритди.

(ЎЗА)



Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг ҳар бир йиғилишида соҳа мутасаддилари олдига турган энг долзарб масалалар ишчанлик, ўзаро таллабчанлик вазиятида атрофлича муҳо-



мама этилади. Илғорлар тажрибасини аммаллаштириш, давр ўртага қўйётган талаблар асосида иш юритиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Қуни кеча бўлиб ўтган Пленум иштирокчилари эса Ўзбекистон таълим ва

Қонун барчага баробар МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИДА

Қизилтепа осмонининг локувард юлдузлари ажиб эртак сўйлайди, шаҳар узра неон чироклари жозибали порлайди. Сокин, сўлим оқшом, кишилар чехрасидаги хотиржамлик, мамнуният тинчликнинг буюк саодат эканлигидан дарак беради.

«Гулзор» ва Файзулла Хўжаев номли фуқаролар йиғинлари ҳудудда 512 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 34-милиция таянч пункти бу ердаги осойишталикни таъмин этади.

«Онасининг бевақт ўлими мурғак ўспиринни эсанкиратиб қўйди. Отаси уйлангач, болакай баттар ёлғизланиб, одамови бўлиб қолди.

Бундай мисоллар кўп. Мазкур таянч пункти ҳудудида 15 та ташкилот, корхона ва бошқа муассасалар бор. 47-сонли жазони ижро этиш муассасасининг шу ерда жойлашганлиги эса ишни янада кўпайтирган.

лаштирилди. Муқаддам судланган Аҳтам Шерназаров одамлар кўзига тушган чўп эди. Бу ҳаётда ҳамма ўзига ўхшаганни, ким билан ўтириб сўхбатлашса, кўнгли очиладиганини қидиради.

Кечга яқин Эркин кириб келганида, Аҳтамнинг боши осмонга етди. (Уша кун бу хол нимадир бўлиб тинчлик посбонларининг назаридан четда қолганди).

«Эркин қани?!» - сўради старшина. Аҳтам титраб кетди. Юзи аллақандай қийшайиб, ўлик тусига кирди.

Бундан ташқари, мавжуд 6 та но тинч оила доимий назоратни талаб этади. Можароларнинг кўпчилиги қайнона-келин муносабатлари ва ижтимоий муаммолар оқибатида юзага келмоқда.

Шарофат ИСКАНДАРОВА, «Ишонч» муҳбири

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммити қатнашчилари террорчиликка қарши курашда ўзаро ҳаракатларни такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Чинданам терроризм балоси халқаро жамоатчилигининг, дунёдаги ҳур фикрли, эзгу ниятли инсонларни қаттиқ ташвишга солиб келмоқда.

Эндликда террорчи жиноятчиларнинг жазоланишини деярли барча давлатлар қўллаб-қувватламоқда. Барча мамлакатларнинг қонунларида террорчилик учун жиноий жавобгарлик белги-ланган.

даги барча халқларга қарши қаратилган мазкур жиноий ҳаракатлар кескин қораланмоқда.

Германиянинг «Дипломатик курьер» журналы муҳаррири К.Эрдвиг минтақадаги вазиятни таҳлил қилиб, шундай дейди: «Менимча, Ўзбекистонда содир этилган

сўнги террорчилик ҳуружлари битта закирнинг алоҳида олинган ҳалқасидир. Уларнинг мақсади эса одамлар орасида умидсизлик ва саро-сима қайғиғанини уйғотишга қаратилган.

Огоҳлик—давр талаби

англаган Тошкент шаҳар прокуратураси ходимлари ҳам меҳнат жамоаларида, маҳал-лаларда кенг тушунишни ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

дагидек кетяпти, деб бўлмайди. Лоқайдлик, ўзи-бўларчилик давом этётган ҳудудлар бор. Маълумотларга қараганда, «Қўйлик» бозорида савдо-сотик билан шуғулланаётган 15 нафар фуқаро паспорт қондаларини бузган ҳолда, вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаётганлиги аниқланган.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

Умумий сайлов ҳуқуқининг асосий мазмуни шундан иборатки, республикамизнинг 18 ёшга тўлган барча фуқаролари актив сайлов ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Республикамизда сайловларда номзодларга овоз бериш учун ёш цензи-дан бошқа цензларнинг йўқлиги сайлов ҳуқуқининг чинакама реал умумийлигини кўрсатади.

II. САЙЛОВЛАР МУҲИМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ИНСТИТУТ

ларда, шу жумладан Россия Федерациясида ҳам мавжуд, яъни Марказий сайлов комиссияси парламент томонидан шакллантириладиган алоҳида давлат органи ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун мустақил даврда қабул қилинган дастлабки қонунлардан саналсада ундаги нормалар тўлиқ халқаро андозаларга жавоб беради.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан республикамизда сайлов жараёнини ташкил

этувчи ва бевосита амалга оширувчи Марказий сайлов комиссияси ташкил этилди. Ушбу комиссиянинг ташкил этилиши ва доимий фаолият кўрсатиши Парламентларо Европа иттифоқи ҳужжатлари талабларига мос келади.

IV. Сайлов қонунчилигининг ривожланиш тенденциялари. Сайлов қонунчилигининг асосий мақсади халқ ҳокимиятичилигини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий онгини ривожлантириш, фуқаролар томонидан сиёсий намояндаларни танлаб олиш учун кенг имкониятлар яратиш ва шу орқали

вақтни ўз ичига олди. Сохта вакиллик сайлов институтидан воз кечилиб, ҳақиқий парламентаризм принципларга мос келадиган сайлов меъёрлари киритилди.

Учинчидан, сўнгги босқич давлат ва жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб, у шу кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврда парламент ислохотлари би-

қидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида амалда қўлланилаётган сайлов тизими барча демократик талабларга жавоб беради. Бу тизим асосида фуқароларимиз ўз вакилларини давлат идораларига демократик принципларга асосан сайлаш имкониятларига эга бўлиб, шу асосда давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиб келмоқда.

Аммо бу мамлакатимизда ҳозирги кунгача қўлланиб келинаётган сайлов тизими ўта мукамал дегани эмас, чунки жамият ривожланган сари бу жараён ҳам такомиллаштирилиб борилади. Бунинг аққол исботи 2002 йил 4 апрелда «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан ифодаланади.

Акмал РАҲМОНОВ, Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси


Юртимиз пахтакорлари диққатига!

Акциядорлик тижорат «ПАХТА БАНК»

Сизлар учун 3 ой ва 1 йил муддатга қабул қилиниб муддатига мутаносиб равишда йиллик 25 фоиздан 38 фоизгача даромад тўланадиган «Оқ олтин», «Пахтакор», «Саховат» муддатли омонатларини таклиф этади!

Ушбу жамғарма омонатларига маблағингизни «Пахта Банк»нинг истаган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.

Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар! «Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!



Дўстлик туманида ижтимоий соҳани ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни авж олдириш борасида бир талай ишлар амалга оширилди. Ана шу мақсадлар учун 218,54 миллион сўм маблағ сарфлангани мўлжалланган бўлиб, унинг 135,32 миллион сўми жамағарлар ва хомийлар улусига тўғри келади.

БИР ЙИЛДА ТҮРТТА СТАДИОН

Ўрта таълим мактаблари бинолари, синфхоналари, ёшиқ спорт заллари, ошхоналар, фаоллар зали таъмирланиб, соҳа халқига келтирилди. Спорт хизматлари билан таъминланди. «Юлдузча» болалар боксчаси ҳовлисида жисмоний тарбия майдончаси ташкил этилди. Бу ерда тарбияланувчиларнинг спорт би-

лан шугулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Алишер Навоий номи 5-умумий ўрта таълим мактабиде спорт мажмуаси барпо этилди. Бир неча йилдан бери фаолият кўрсатмай

Болалар спорти

ни реконструкция қилиб, таъмирлаш ишларини Акмал Маъраҳимов раҳбарлик қилаётган «Нант-Умид» фирмаси курувчилари амалга оширмоқдалар. Ҳар бир стадионда 2 минг кишилик томошабинга мўлжалланган ўриндиклар ҳам ўрнатилган.

ти катта бўлмақда, дейди туман ҳокимининг ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Княз Муратов. — Ушбу фермер хўжалиқлари, фирма ва кичик корхоналар имкониятлари даражасида ёрдам қилини чўзмокдалар. Масалан, «Юлдуз» фермер хўжалиги болалар спорти жамағармасига 3 миллион, «Корасув», «Жуманиёз бобо» фермер хўжалиқлари ҳам 1-2 миллион сўмдан маблағ ўтказиши.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири

Футбол

«ПАХТАКОР» - ЯРИМ ФИНАЛДА



Яқинда Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионати қитъамизда «миллионлар ўйини» нуфузи ортиб борётганини кўрсатди. Баъзи учрашувлар «Евро-2004»да намойиш этилган беллашувлардан-да кескин ва қизиқарлироқ кечгани ҳам бунни тасдиқлайди. Ушбу кўзга яққол ташланган юқалининг давоми ўларок Осиё чемпионати лигаси баҳасига киришган жамоалар ўртасидаги ўйинлар томошабинларга эса бир талай хулосалар ясаган озуқа бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Биз бундан ўз чемпионлигимиз — «Пахтакор» ва Бирлашган Араб Амирликлари вакили «Ал-Ваҳда» клублари баҳси мисолида ҳам кўришга муваффақ бўлидик.

Хисоб очилди. Шу кунли «Пахтакор» стадионига келган кўрқ минг чоғли мухлислар энгил тин олишди, мураббийларнинг чеҳраси ёришди, муҳими, футболчиларнинг характерларида ижобий яқунга ишонч мустаҳкамланди. Бу ўз навбатида ўйиннинг бориши таъминлаб берди. Биринчи тайм тугашига оғина фурсат қолганда Владимир Шиселов иккинчи голга муаллифлик қилиб амалда учрашув тақдирига нукта қўйди.

Германиялик мутахассис Р.Холланд «Ал-Ваҳда» мутасаддилари бунга рози эмасликларини билдирган каби иккинчи бўлимда майдонга бир неча янги футболчиларни туширди. Аммо бу ўзгаришлар ҳам наф бермади. Боз устига «Пахтакор» ҳужуми давом эттириб, ҳеч қимда шубҳа қолдирмайдиган даражада йирик ҳисоб қайд қилишга эришти. Лекин «Пахтакор» устози Т. Агамуратов ўйин олдидан жуфтланган берган интентивга шогирдлари фақат галаба учун майдонга тушаётганлигини билдирди. Ўйин тактикаси ҳам шў асосга қурилди. Дастлаб паллартишдек тасаввур ўйотган ҳужумлар аста-секин муайян мазмун касоб эта бошладилар. Учрашувнинг 22-дақиқасида Элдор Магдеев томонидан амалга оширган бурчак тўпти пахтакорчиларга омад келтирди. Анваржон Солиев меҳмонлар дарвозасини Хусайн Алини тўпти тўрдан олиб чиқишга мажбур этди.

АТТАНГ...

Ҳаёт деганларни кизик экан. Абди ака бир умр эл назарида бўлди. Турли лавозимларда сидқидилдан ишлаб, обрў-эътибор топти. Катта-кичик давраларда уни Абди Қодиров деб қақаришар, бунга ўзи ҳам ўғраниб кетганди. Бундай ўйлаб қараса, ҳамма нарса ўткинчи экан. Одам боласи қариганда хорлик кўрмасин экан. Жуда кўпчилик йўлдан адашганларни йўлга солибди-ю, ўзининг якка-ю ёлғиз ўғлига келганда бепарволик қилибди. Энди туриб-туриб:

Ўтганини, ора-сира иш кўпайганда ётиб қоламан, деб шайхдан чоғроқ уй сотиб олишга отасини кўндирди. Бу орада неварали бўлган Абди ака, ёруқ кунлар келганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Нега энди кўвонмасин, қирқка кирганда умид чироғи бўлиб дунёга келган ўғли иккита бўлганди. Энди нафақага чиқса ҳам бўлаверди.

Турмуш чорраҳаларида

деган йигит уйни нархлаб, унга сотганини, оғина бөлги сифатида пулни олиб қочиб юргани учун судга бермоқчилигини айтган. Суд раиси маҳалага ойдинлик киритиш учун Собирхонни оқсоқол хузурига жўнатганди.

ТАНТИЛИК

Абди ака маҳалла идорасига кириб келганда у ерда бир бегона норғул йигит ўтирган кўриб, орқасига қайтмоқчи бўлди. Лекин оқсоқол кираверинг ишорасини қилди. Саломлашгандан кейин

МЕҲРИ ДАРЁ ОДАМЛАР

Ўғлининг ахлоқ-одоби тўғрисида гап очган кўниқўшни, қарияларга жавоби битта эди:

— Менинг ўнта ўғлим йўқ. Шундай экан, нега қилсам шу ёлғиз ўғлимга қиламан. Кунлардан бирида раҳматли хотини:

— Шунчаллик тантилик қилдингиз, болам, келинг мен ҳам бир фикр айтмай, — деди ўпкаси тўлиб Абди ака. — Ўринлар, бизникига борайлик, негаллигини кейин айтман.

— Ундай бўлса, — деди Собирхон, — боғия гап ўз кучида қолади. Қўшимча шуки, келишгани иморатларини фирмамиз ижарага олади.

БАКИРОВНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ГАЛАБАСИ

Профессионал бокс бўйича юртимиз шафратини муносиб ҳимоя қилаётган ўзбекистонлик чарм кўлоқ устаси Фарход Бакиров навбатдаги жангини ўтказди. Жангларга Японияда тайёргарлик кўраётган спортчимиз бу гал мезбонлар вакили Тахеширо Катога қарши рингга чиқди.

ЎШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Бекобод шаҳрида ўтказилган эркин кураш бўйича мамлакат чемпионатида 280 нафар ўсимир иштирок этди. Муросасиз беллашувларда пойтахт вакиллари биринчи, Тошкент вилояти ёш полвонлари иккинчи, буюроқликлар учинчи ўринни эгалладилар.

СИГАРЕТА ЗАРАРИ

Оксфорд университети олимлари Невил Бетлер ва Мартин Фельдштайн ўтказган тадқиқотларга қараганда, кунига ўнтагача сигарета чекадиган ҳомилада аёлларнинг тахминан, 20 фоизи ўлик ёки узок яшай олмайдиган бола туғар экан.

Оксфорд университет олимлари Невил Бетлер ва Мартин Фельдштайн ўтказган тадқиқотларга қараганда, кунига ўнтагача сигарета чекадиган ҳомилада аёлларнинг тахминан, 20 фоизи ўлик ёки узок яшай олмайдиган бола туғар экан.

ГРАФОЛОГИЯ НИМА?

«Графологлар» одамнинг ёзиш услубига, яъни дастхатига ёнаган унинг феъл-атвори ва шахсини аниқловчи мутахассислардир. Тўғри, бу соҳа кунча пайдо бўлгани йўқ. Графологияга қизиқиш ўрта асрларда, айниқса, кучайган эди. 1622 йилдаёқ италян шифокори ва фойласуфи Камилла Белли дастхат услуби, мазмуни, орфографияси, тиши белгиларининг қўйиллишини синчиқлаб ўрганиш асосида кишининг касбияга қараб унинг табиятини аниқлаш усулини яратган. Кимда-ким ҳарфларни гоҳ хунук, гоҳ чиройли ёвса, ҳаётда бошқа ишларни ҳам шундай тартибда, паллартиш бажаради, деган хулосага келган эди.

Кейин суддан қоғоз келди. Темир панжара ортдада ўтирган ўғлини кўрган ота биринчи марта «э, аттанг, аттанг-а» деганича пешонасини шапатиллади.

Бир айлангирса чор айлангирсаи деганларидек, ўғли камалгани етмагандай кўп ўтмай касалманд камлири ҳам гам-ташвишда «қандли диабет» деган дарди-бедаво оқибатида ҳаётдан кўз юмиб кетди.


— Ота, ўша уйингизнинг харишори мен бўламан, — деди нотаниш йигит ўриндигини Абди акаки ёнига сураккан.

— Хабарим йўқ, — деди Абди ака чўрт кесиби. — Узим ҳам шундай деб ўйлагандим, — деди оқсоқол худди ўзи билан ўзи галлашаётгандай, кейин, — кечга томон идорага чиқинг, шу тўғрида галлашиб оламиз, — деб тайинланди.

ХОТИМА

Халқимизда «Бирникимингга, мингники-туманга» деган қимматли гап бор. Оқсоқолнинг оқилона иши ва Собирхоннинг тантилиги билан кишлоқ марказидаги эски ҳовли-жой дилтортар масканга айланган.

Рустам ХУДОЙКУЛ



АБУЛҲАСАН ҲАЖВИРИЙ

Абулҳасан Али бини Усмон Гафза яқинидаги Ҳажвир мазеида хонақоҳ ва масжид соҳиб бўлган хонадонда таваллуд топган. У дастлабки таълимини машҳур Шайх Абул Фазл Мухаммад бини Хатлий қўлида олади, тарикати ўрганган. Шундан сўнгра Ҳаж сафарига жўнайдди ва Мақожа Абулаббос Аҳмад бини Мухаммад билан танишиб, баъзи илмларни ундан ўрганган. Яхё Маоз унга устозлик ва пирлик қилган. Ана шу сафар вақтида ва ундан кейин у замонасининг Абулкарим Қаширий, Абуасид Абулхайр, Абуали Фаромодиий сингари алломалар, бир неча муҳаддислар суҳбатига бўлиб, дарс олди. Шундан кейин Мовароуннаҳрга саёҳат қилди ва Хиндистонга борди. Лоҳур шаҳрида яшай бошлади. Ҳажвирий зарбардас Шайх бўлиш билан бирга, нозиктаб шоири ҳам бўлган.

Ундан бизга қадар катта ҳажмдаги шеърлар девони сақланиб қолган. Бундан ташқари, шайхнинг «Мишқожи дин» номи рисола битганлиги ҳусусида ҳам маълумот мавжуд. Ҳажвирий хижрий 445 йили Лоҳурда вафот этган. Унинг мақбараси шаҳарнинг зияратгоҳ жойларидан бири ҳисобланади.

ул ўғулнинг олдига бориб дедиким: кўрқмағилким ман санинг биродарингман, биродарлар ҳаммаси бир жону бир тан бўларлар. Вақтеки ўғул Абу Усмондин бу янглиш шайқат ва меҳрибонлигини кўриб тавба қилди ва хонақоҳга борди.

Жума ўғитлари

Дедур: кўрқмоқ Худонинг адлидин лозим келур ва умид тўтмоқ фазлу карамдин лозим булур. Ҳар киши гафлат захрини тортамдунга анинг лаззатини топчаусидур.

Узбекистон энгил, мебел саноати ва коммунал-مائийш хизмат ходимлари касабаси уошма Марказий Қўмитаси «Узкоммунизмат» агентлиги бош директори Х.Нигматовга волидаи мухтарамаси

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касабаси кудамалари Федерацияси. Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайноддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.50. Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Тиражи: 8471. Буюртма Г— 817. 1 2 3 4 5